

## Индонезияда Мовароуннахр мероси эътироф этилди



12:38 / 07.07.2025 937

Айни вақтда Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Дин ишлари қўмитаси вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Индонезияда хизмат сафарида бўлиб турибди. Бу ҳақда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази матбуот хизмати хабар берди.

3 июл куни делегация иштирокида Жакартада «Мовароуннахрдан Жануби-Шарқий Осиёга: ҳадис илмлари ва интеллектуал алоқалар» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади. Маросимда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор Шовосил Зиёдов ташкилий қўмита номидан табрик нутқи сўзлаб, Мовароуннахрнинг ҳадис илмида тутган ўрни ва Имом Бухорий каби алломаларнинг дунё илм-фанига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

Конференция доирасида ислом илмлари, хусусан ҳадисшунослик, тафсир ва фалсафа соҳаларидаги тарихий мерос, унинг Жануби-Шарқий Осиёдаги

таъсири, замонавий таҳдидлар ва маърифий ёндашувлар каби мавзулар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирнинг асосий қисмида «Мовароуннаҳрда ҳадис илми ривож» мавзусида маъруза қилиниб, Марказий Осиё, хусусан, Бухоро, Самарқанд ва Термиз каби шаҳарларда IX–X асрларда шаклланган ҳадис илми мактаблари, уларнинг усул ва анъаналари, Имом Бухорий ва Имом Термизий каби алломаларнинг ўрни ҳақида атрофлича сўз юритилди. Ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма тадқиқотлар, талабалар ва илмий ходимлар алмашинуви бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

[Манба](#)